

Маскан одоблари ва ҳожатхоналар

21:13 / 22.04.2016 4086

Савол: Ассалому алайкум, биз учун ҳурматли ва қадирли бўлган Устоз! Сизни "Маскан одоблари" мақолангизни ўқиб чиқдик ва бу мавзуга тааллуқли бўлган маълумотларни бошқа китобларингиздан ҳам олганмиз, Аллоҳга шуқр. Сиз таъкидлаб ўтган мана шу гапларни ҳаммамиз кенг маънода тушунсак қанийди. Мактаблар ва юқори олий ўқув юртлари, қолаверса жамоат жойлари (бозор, касалхона) ларда мавжуд бўлган ҳожатхоналарга бир инсон сифатида, мусулмон сифатида ҳақ кўз билан қарасак. "Эҳ, мусулмонлар, масъул одамлар кўзингиз қаерда?" дегим келади. Устоз, савол-жавоб бўлимнинг доимий мухлисман. Лекин бу мавзу ҳақида саволлар жуда-жуда кам учрайди. Бу биз ҳали покликка эътибор бермаётганимиз белгиси деб биламан. Оммавий Ахборот вакиллари кўзингиз қаерда, бундай район жойлардаги ҳолатларни ўрганиб, муаммони ечишда бизга ёрдам бермайсимиз-ми? Катта-катта ҳаражат қилиб қурган биномизни ҳожатхонаси нега талабга жавоб бермаябди? Илтимос Устоз, дуо қилинг муаммоларимиз яхши томонга ечилсин. Ташаккур сизга Устоз!

Жавоб: Аллоҳ таоло мазкур ва бошқа барча муаммоларимизнинг ечилишида Ўзи мададкор бўлсин! Аммо Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримда айтадики:

«Албатта, Аллоҳ бир қавмдаги нарсани, токи улар ўзларидаги нарсани ўзгартирмагунларича, ўзгартирмас».

Яъни банда бир яхшиликка эришмоқчи бўлса, ўша яхшиликка етаклайдиган хислатларни ўзида мужассам этиши ва унга эришиш учун уриниши лозим. Ана шундагина Аллоҳ унинг ишида яхши томонга ўзгариш ҳосил қилади.